



ТАФАККУРНИНГ ИБТИДОСИ КИТОБДИР

*Касби туман ахборат-кутубхона маркази фойдаланувчиларга
хизмат кўрсатиш хизмати мутахассиси:
Салима Саматова Абдиназаровна*

Инсонни комилликка етакловчи бу- Китобдир албатта. Биз биламизки бутун ер юзида жамики ўтган даҳолар борми, маърифатпарвар борми ва албатта тафаккур дунёсида фаолият кўрсатаётган олиму фузалолар борми буларнинг барча барчаси ўзининг етуклиқ даражасига китоб ва китобдан олган илму салоҳияти орқали эришган десак хато бўлмайди албатта. Биз бу мувофақият занжирини ёш авлодда ҳам кўриб туриб юқоридаги гаплар ўз тасдиғини топган деб айта оламиз.

Сўзимни узвий давоми сифатида шуни айтмоқчиманки бизнинг фарзандларимиз, ўқувчи ёшларимиз орасида ҳам даҳоликка, билимдонликка даъвогар ўқувчиларимиз кўплаб топилади

Уларнинг китобга бўлган қизиқишилари, илмга чанқоқликлари, китобсеварликлари ҳар бир ҳаракатларида намоёндир

Бунга сабаб албатта Ахборот кутубхона маркази ходимларининг фаолияти деб ўйлайман. Ва шу билан биргалиқда яна шуни таъкидламоқчиманки китобхонликни тарғиб қилувчи кутубхона ходимларининг ўрни бекиёс албатта

Шундай жонқуяр, китобсевар кутубхоначиларимиз ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Касби туман Ахборот кутубхона марказимизда кўп йиллардан буён меҳнат қилиб келаётган М. Мўминова, А. Муқимова, Р. Исломова, С. Мирзаевалар

Бу кутубхоначиларимиз ушбу фаолияти давомида ўзининг илми ва меҳнатсеварлиги ҳамда ўқувчиларни китобга қизиқтира олиш қобилияти билан ўз ютуқларига эриша олди.

Ёшлар маънавитини юксалтириш мақсадида олиб борилаётган китобхонликни тарғиб қилиш ишларини ўз ўрнига куя олган кутубхоначимиз А.Муқимова, С.Мирзаевалар ўзларининг китобсеварлик қирраларини кўрсата олган китобхон кутубхоначи десам адашмаган бўламан албатта.

Китобхонликни кенг тарғиб қилиш ишларининг натижаси ўлароқ

Касби туман ахборот кутубхона марказимизда китобхон ўқувчилар сони ортиб бормоқда. Ўқувчилар ўртасида бўлиб ўтаётган турли савол жавоб кечалар, Ёш китобхон танловлари фикримизнинг аниқ исботидир.

Ўқувчиларни адабиётнинг турли даврларига саёҳат қилдириб ўша давр адабиёти вакилларининг асарларини ёшлар онггиға сингдирибгина қолмай асар қаҳрамонлари билан бирга ҳамнафас қила олди десам адашмайман Кутубхоначиларимизни ютуқлари ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман

Қашқадарё вилояти С.Насафий номли вилоят ахборот-кутубхонасида ўтказилган "Менинг кутубхонам" танловида 2-ўрин, "Обод юртда касбимни қадрлайман" танловида 3-ўрини "Касбим-фаҳрим" мавзисида кўрик-танловда касби туман ахборот



кутубхона марказининг хизмат раҳбари А. Муқимова 1-ўринни эгалаб Вилоят АҚМ раҳбарияти томонидан I-даражали диплом ва эсталик совғалар билан тақдирланди.

Қобилиятли, китобсевар кутубхоначимиз маҳоратлари синовдан ўтди ва яна бир бор китобхонлар ва жамоа эътиборига туша олди.

Сўзимнинг сўнггида шуни таъкидламоқчиман. А.Муқимова эътирофга сазовор кутубхоначиларимиздан. Касби туманида китобсевар, адабиётимизга ҳурмат руҳида ўсаётган ёшларимиз сони кундан кунга ортиб боради деб ўйлайман